

CRITERIA FOR PROVIDING MEMBERSHIP PRINCIPLES FOR TYPES OF EDUCATIONAL ACTIVITY

Musurmonov Rammatilla,
TVCHDPI "Pedagogy and Management" Associate Professor, Ph.D.

Umrzakov S.

Master's degree in "Pedagogy and Psychology" TVCHDPI

ABSTARCT

The article discusses in detail the general issues and peculiarities of the education of students in continuing education as harmoniously developed people.

Keywords and phrases: Continuing education, upbringing, activity, membership, criteria, characteristics, personality, formation, harmonious personality, spiritual wealth, social knowledge, culture, educational process, family, children and youth organizations, media, prevention, behavior, individual -psychological features.

В статье подробно рассматриваются общие вопросы и особенности воспитания подрастающего поколения как гармонично развитых людей.

Ключевые слова: Непрерывное образование, воспитание, активность, членство, критерии, характеристики, личность, формирование, гармоничная личность, духовное богатство, социальные знания, культура, образовательный процесс, семья, детские и молодежные организации, СМИ, профилактика, поведение, индивидуально-психологические особенности.

Тарбиявий фаолият жараёнининг ўзига хос хусусиятлари

Шахс тарбияси инсоният пайдо бўлгандан буён ўзининг долзарблиги билан жамият аъзоларининг энг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Тарбия инсоннинг кўрки, унинг салоҳияти, жамиятда тутган ўрнини белгилаб беради. Шунингдек, унинг ҳаётдаги имкониятларини кенгайтириб, фаровон турмуш қуришга кенг йўл очади. Инсоннинг одоб-ахлоқи асл миллий маънавий қадриятлар билан суғорилган бўлса, баркамоллик касб этади, шубҳасиз.

Янги Ўзбекистон шароитида ёшларга таълим-тарбия бериш, уларни баркамол инсонлар ва рақобатбардош кадрлар қилиб тарбиялаш масаласи янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Ана шу нуқтаи назардан таълим муассасаларида тарбиявий фаолият жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари, тарбиявий фаолият турлари, тарбиявий фаолиятнинг узвийлиги ва узлуксизлиги, тарбиявий фаолиятнинг узвийлик ва узлуксизлик тамойилига таъсир этувчи мезонлар тўғрисида фикр юритишни мақсад қилиб қўйдик.

Тарбия ҳар доим маълум бир мақсадга қаратилади. Айни замонда бу мақсадларни қуйидагича изоҳлаш мумкин.

1. *Шахснинг атрофдаги оламга ва ўз-ўзига бўлган муносабатини шакллантириш.* Бундай тарбия натижасида инсон атрофдаги олам, жамият ва бошқа инсонлар билан ўзаро муносабатларининг характерини тасаввур қилади, ўзининг индивидуал, ақлий-билиш, ҳиссий-иродавий, коммуникатив хусусиятлари ва хулқ-атворини тўғри англайди, жамиятда ўз ўрнини билади.

2. *Ҳар томонлама ривожланган баркамол шахсни тарбиялаш* – ўзида маънавий бойлик, поклик ва жисмоний баркамолликни намоён этадиган, ўз ахлоқий ва психологик сифатларини рационал намоён этадиган, ҳар хил қийинчиликлар ва муаммоларни енга оладиган инсонни тарбиялашни назарда тутаяди.

3. *Ижтимоий билимга эга бўлган шахсни тарбиялаш.* Тарбиянинг бу мақсади шахснинг ўз муносабатлари характерини тўғри тушунишга, бошқа инсонлар билан бўлган алоқаларини адиқват баҳолашга ҳамда бошқалар билан низосиз муносабатлар тузишга, жамоада тушунмовчиликка йўл қўймакликка қаратилган.

4. *Инсонни маданият орқали тарбиялаш. Шахнинг эстетик ва маънавий баркамоллигини шакллантириш, ижодий индивидуаллигини ривожлантириш¹.*

Тарбия таълим жараёни билан чамбарчас боғлиқ бўлса ҳам, таълим жараёнидан ўз хусусиятлари, аниқ вазифалари, ўзига хос функциялари, мазмуни, шакллари ва таъсир этиш усуллари билан фарқ қилади.

1. Тарбиявий фаолият турлари

Болалар характеридаги салбий нуқсонларни бартараф этиш учун қуйидаги жараёнларда педагогик таъсирларни қўллаш мақсадга мувофиқлиги олимлар томонидан таклиф этилган.

1. *Ўқув жараёнида;*
2. *Мактабдан ва синфдан ташқари жараёнларида;*
3. *Оилавий шароитда;*
4. *Болалар ва ёшлар ташкилотлари фаолиятлари орқали;*
5. *Маданият, санъат ва оммавий ахборот воситалари орқали.*

Тарбия функциялари тарбия жараёни мазмунининг йўналганлигини таъминлайди. Уларга қуйидагилар киради:

- *Ўз-ўзини тарбиялашга ундаш;*
- *Профилактика;*
- *Шакллантирувчи, ривожлантирувчи;*
- *Аниқ масалаларни ечишга бор кучини жамлаш;*
- *Қайта тарбиялаш.*

Тарбия мазмуни унинг мақсади, вазифалари ва мотивларидан келиб чиққан ҳолда тарбия жараёнида тарбия берувчи ва тарбияланувчининг бутун ҳаракатларини ва ўзаро таъсирини ўз ичига олади. Тарбия таълим каби икки томонлама хусусиятга эга бўлган жараёндир. Бу жараён тарбия берувчи ва тарбияланувчиларнинг ўзаро фаол ҳамкорлигида амалга оширилади. Бунда тарбия берувчи тарбия жараёнининг ташкил этувчиси ва раҳбари сифатида намоён бўлади, жараённинг ўзи эса қуйидаги қисмлардан иборат бўлган модел сифатида акс этади.

1. *Тарбия берувчининг таъсири тарбия мақсади ва вазифаларига эришиш учун зарур бўлган ҳаракатлар мажмуи сифатида.*
2. *Тарбия таъсири объекти бўлган ва тарбияловчининг тарбиявий таъсири натижасида маълум бир ўзгаришларни акс этадиган тарбияланувчи шахс.*
3. *Тарбияланувчининг тарбия берувчига муносабати, яъни тарбиявий мақсадларига реакцияси.*
4. *Шахсда шакллантирилатган сифатлар.*
5. *Мотив, яъни тарбия жараёнида шаклланган ундовчи кучлар.*
6. *Хулқ-атвор, яъни тарбия жараёни ва натижасида шахс томонидан амалга оширилатган хатти-ҳаракатларнинг ўзига хослиги.*

Тарбия маълум бир умумий ҳолатларга асосланиб, бир қатор тамойиллар тизими орқали амалга оширилади:

- *Индивидуал ва табақалаштирилган ёндашув;*
- *Гуруҳда гуруҳ орқали тарбиялаш;*
- *Фаолият жараёнида тарбиялаш;*
- *Тарбияловчиларга нисбатан талабчан бўлиш ва шу билан бирга уларни ҳурмат қилиш;*
- *Шахс ва гуруҳдаги ижобийликка асосланиш;*
- *Тарбияда бирлик ва узлуксизликка риоя қилиш.*

Тарбияда индивидуал ва табақалашган ёндашув қуйидагиларни назарда тутати:

- *Тарбияланувчилар индивидуал-психологик хусусиятларни чуқур ва ҳар томонлама билиш ва ҳисобга олиш;*
- *Тарбияловчилар шахсий характеристикаларига мос равишда тарбия мақсадларини ишлаб чиқиш;*

¹ Алиев И.Т. Педагогика ва психология. Т.: "Фан ва технология" – 2012. Б. 202-203



- *Тарбиявий иш натижаларини доимий равишда таҳлил қилиш;*
- *Ҳар бир тарбияланувчининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тарбия методикасига ўз вақтида ўзгартиришлар киритиш.*

Гуруҳда ва гуруҳ орқали тарбиялаш қўйидагиларни назарда тутати:

- *Барча тарбияланувчилар фикр ва ҳаракатларини умумлаштирадиган ва гуруҳ ривожланишини таъминлайдиган ғоялар ишлаб чиқиш;*
- *Тарбияланувчиларда ўз жамоасида ғурур туйғусини шакллантириш, шахсий манфаатларини гуруҳ манфаатларига боғлаш;*
- *Салбий ҳодисалар билан курашишга оид билдирилган гуруҳ фикрини қўллаб-қувватлаш.*

Тарбия қондаси – педагог томонидан таълим ва тарбия жараёнини яхшироқ ташкил этиш мақсадида фойдаланадиган бошланғич ҳолат, раҳбарлик асосидир. Тарбия қондалари ўқитувчи, тарбиячиларга йўл-йўриқ кўрсатувчи қондалар ҳисобланиб, янги кишини шакллантириш вазифалари билан белгиланади. Тарбия қондалари Шарқ ва Марказий Осиё файласуф – донишмандларининг фикрлари ва миллий педагогика эришган ютуқларга асосланади. Тарбия қондалари мустақил характерга эга бўлиб, тарбиянинг ўзига хос хусусиятларини ва қонуниятларини акс эттиради. Тарбиявий жараёнларда бу қондаларга риоя қилиш унинг самарасини оширади, яхши натижаларга олиб келади.

Тарбиянинг мазмуни, ташкил этилиши, усуллари ва уларга қўйиладиган талаблар шу қондаларда ўз ифодасини топади.

Тарбиянинг моҳияти, мазмуни, қондалари мамлакатимизда янгича иқтисодий муносабат шароитларининг ўзгарганлиги сабабли кенгайиб бормоқда.

Тарбиявий жараённи яхшилаш, уни давр талабига жавоб берадиган даражага келтириш учун деярли барча қондаларни, усулларни, ғояларни қайтадан кўриб чиқиш, бола шахсига эътиборни қаратиш, йиллар давомида тўпланган ижобий тажрибалардан унумли фойдаланиш зарур.

Тарбия қондаларига қўйидагиларни киритиш мумкин:

- *тарбиянинг маълум мақсадга қаратилганлиги, тарбиянинг инсонпарварлик ва демократик қондаси;*
- *тарбияни ҳаёт билан, ижтимоий фойдали меҳнат билан боғлиқлик қондаси;*
- *тарбияда миллий-маданий ва умуминсоний қадриятларнинг устиворлиги қондаси;*
- *тарбияда ўқувчиларнинг ёш ва шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш қондаси;*
- *Тарбияланувчига намуна-ўрнатма бўлиш қондаси;*
- *изчиллик, тизимлилик, тарбиявий таъсирнинг бирлиги ва узлуксизлиги қондаси ва бошқалар.*

Тарбияга яхлит тизимли ёндашиш тарбиянинг педагогик ҳаракатнинг пировард натижасига йўналтирилганлик даражасини белгилаб беради. Бунда педагогик мақсад ва вазифалар, унинг мазмуни тарбиявий жараённинг барча қатнашчилари томонидан тан олиниши шарт. Шунга аҳамият бериш лозимки, амалда тарбиявий жараён кўпчилиқнинг иши ва узлуксиз бўлиб, барча ёшдаги болаларни қамраб олсин, тарбиянинг барча томонлари ҳамоҳанг бўлсин, турли ижтимоий, жамоат ва давлат институтлари ва муассасаларини шахс камолотини шакллантириш борасидаги ҳаракатлари мужассамланган бўлсин.

Тарбия ишида изчиллик жуда муҳимдир. Тарбиячи аввалига болалардан бирор нарсани талаб қилиб, сўнгра ўзининг бу талабини унутиб қўйса ёки ўзи бу талабга ҳилоф иш қилса, бу ҳол тарбияга жуда ёмон таъсир қилади.

Болаларга жуда кўп талаб ва қондаларни тақдим қилиш мумкин эмас. Болаларга тарбия ва таълим беришда узлуксизлик ва тизимлиликка қатъий риоя қилиш керак.

Ҳамма тарбиячилар ўқувчига бўлган муносабатларида бир-бирларига зид ҳаракатда бўлмасликлари, бир хил ягона талаб қўйишлари лозим. Тарбиявий ишда бундай изчилликка риоя қилиш муҳимдир.



Ўқувчиларга тарбиявий таъсир кўрсатишда изчилликка риоя қилиш, муомалани аввалгича давом эттириш ва бир хил талаб қўйиш муваффақият қозонишнинг энг муҳим шартларидан биридир. Афсуски, амалда баъзан оила мактабнинг талабларини қўллаб-қувватламайдигина эмас, балки ўқувчига тескари таъсир кўрсатади. Ўқитувчилар орасида ҳам талабларнинг бир хиллиги ҳамиша таъминланавермайди. Тарбия узок муддатли, мураккаб жараён бўлиб, унда ота-она, ўқитувчи, жамоатчилик ва бошқалар қатнашадилар. Шу сабабли уларнинг ишида изчиллик ва давомийлик бўлишига риоя этиш, ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражасини, тарбия усуллари ва шакллари ўз вақтида аниқлаб олиш жуда муҳимдир. Бу қоида тарбия ишида тарбияни амалга оширадиган барча бўғинларнинг (оила, мактаб, ўқувчилар ва ёшлар ташкилотлари, мактабдан ташқари тарбия муассасалари ва ишлаб чиқариш жамоаларининг, кенг жамоатчиликнинг) ҳамжиҳат ва бамаслаҳат иш кўришини кўзда тутди. Чунки тарбиявий таъсирдаги тизимлилик фақат ёшларни эмас, балки аҳолининг барча қатламини қамраб олиши керак. Аҳоли қатламларини тарбия ишига жалб қилишдаги ранг-баранг шакл ва усуллари ижтимоий-иқтисодий ҳам педагогик жиҳатдан, нафақат туб аҳоли, балки Республикада истиқомат қилаётган бошқа миллатлар ва элатларнинг этнопедагогикаси позицияси жиҳатидан ҳам таъминланиши керак.

Ёшларни замонага мос баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш муаммолари тобора ортиб бораётганлиги нуқтаи назаридан ота-оналарнинг фарзандлари тарбиясидаги масъулиятларини янада кучайтириш мақсадида амалдаги "Оила, маҳалла ва таълим муассасаси" концепциясига ота-оналар фаолият кўрсатаётган корхона, ташкилот ва ишлаб чиқариш муассасаларини ҳам киритишни мақсадга мувофиқлигини эътироф этмоқчимиз. Ота-оналар фаолият олиб бораётган ишлаб чиқариш корхона, давлат ва хусусий ташкилот, муассаса раҳбарлари орқали ўз фарзанди тақдирига бефарқ бўлган оила бошлиқларига таъсир кўрсатиш ва уларга ёрдам бериш муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада Чирчиқ давлат педагогика институти "Педагогика ва менежмент" кафедраси профессор-ўқитувчиларининг бу борада бошлаган ишлари диққатга сазавордир. "Мактаб лаборатория" тажриба майдончалари сифатида танланиб, "Янги, инновацион таълим кластери" доирасида инновацион илмий тадқиқот ишларининг кенг кўламда давом эттириляётганлиги мисол бўла олади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алиев И.Т. Педагогика ва психология. Т.: "Фан ва технология" – 2012. Б. 202-203
2. Макаренко А.С. О дисциплине // Собр.соч., т. 5.М.,1958; Флаги на башнях// Собр.соч. т.5.,т.3.М.,1971 .
3. Мардонов Ш.Қ. Янги таълимий қадриятлар асосида педагогик кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш. – Тошкент: Фан, 2006.-232 б.
4. Маҳкамов У. Ахлоқ-одоб сабоқлари. – Тошкент: Фан, 1994. –134 б.
5. Мусурмонов Р. Узлуксиз таълим тизимида интизомсиз ўқувчиларнинг ота-оналари билан ишлаш // Узлуксиз таълим – Тошкент, 2014. – № 2. - 30-35 бетлар.
6. Рашидов Ҳ.Ф., Дехкамбаева З.А., Алимходжаева С. Оила - интизомсиз ўқувчилар хулқига таъсир этувчи ижтимоий-педагогик омил сифатида// Maktab va hayot. – Тошкент, 2015. - № 4. - 20-23 бетлар.
7. Рашидов Ҳ.Ф., Дехкамбаева З. Мактаб ўқувчилари ўртасида интизомлиликни шакллантиришнинг ташкилий-методик омиллари. // Халқ таълими – Тошкент, 2015. – № 1(109). - 6-10 бетлар.
8. Рашидов Ҳ.Ф., Мусурмонов Р. Дарс интизомига нисбатан салбий муносабатларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларни олдини олиш йўллари // Maktab va ҳаёт – Тошкент, 2015. – № 1(109). - 2-5 бетлар.
9. Юсупов Э. Ёшларнинг маънавий камолоти. Т.: Ўзбекистон, 1995.